

Дубай марказида замонавий архитектура намунаси



14:23 / 24.12.2021 2454

Гаргаш масжиди Дубайнинг Ал Кавз бизнес тумани марказидаги ижодкорлик ва маънавиятни замонавий архитектура билан уйғунлаштиришнинг мукамал намунасидир.

Architect news хабарига кўра, яқинда Дубайнинг саноат маркази Ал Кавзда янги масжид очилган.

Dabbagh Architect Company БААдаги биринчи масжидлардан бирининг оператори бўлиб, у аёл киши томонидан лойиҳалаштирилган.

Янги қурилган масжид ташқи гўзалликни ўзида мужассам этган меъморий дурдона ҳисобланади.

Масжид материаллари маҳаллий қурилиш анжомларидан олинган. Бинонинг ташқи кўриниши бетон плиталар ва Уммон тошидан ясалган бўлиб, фасадда салқин ички ва динамик ташқи кўринишни яратадиган тешик мавжуд. Фасад бўйлаб геометрик нақшлар яққол кўриниб туради, деворларига эса бунёдкорлик тимсоли сифатида Қуръон оятлари ёзилган.

1680 квадрат метрлик мажмуада масжид имом-хатиби ва муаззинлар учун махсус шинам хизмат хоналари ҳам жойлашган. Даббаг бинони ваҳо ландшафт архитектурасидан фойдаланган ҳолда қурган. Масжид кўп йиллик қурилиш ишларидан сўнг ёз ойининг сўнги кунларида фойдаланишга топширилган.

Хуршид Маъруф